

Асосий иқтисодий күрсаткичлар

	Млрд. сўм	2016 йил январь-маргта нисбатан фоиз хисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	2088,1	109,5
Саноат маҳсулоти	2395,5	114,8
“Уз Автосаноат”АК тизимидан ташқари	1653,0	112,5
Истеъмол товарлари	1614,1	107,4
“Уз Автосаноат”АК тизимидан ташқари	1088,0	110,3
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	266,1	106,6
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	335,9	115,2
Курилиш ишлари	358,5	114,3
Юк айланмаси млн. тн-км	405,6	107,4
Йўловчи айланмаси млн. йўловчи-км	880,9	101,0
Чакана товар айланмаси	1744,6	111,5
Хизматлар, жами	1337,9	113,0
Ташқи савдо айланмаси млн. АҚШ долл.	271,2	114,4
Экспорт	65,1	152,0
Импорт	206,1	106,0

Ялпи ҳудудий маҳсулот ишилаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-март ойларида ишилаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 2088,1 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 109,5 фоизга бажарилди. 2017 йил январь-март ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 109,0 фоизни ташкил қилди.

Январь-март ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуидагича ифодаланади:


	млрд.сўм		2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз хисобида
	2016 йил	2017 йил	

**I. Ялпи ҳудудий маҳсулот,
жами** **1749,8** **2088,1** **109,5**

шу жумладан:

Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	1666,8	1990,3	109,5
Маҳсулотларга соғ солиқлар	82,9	97,8	110,9
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати 1666,8 1990,3 109,5			
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	85,3	100,0	106,6
Саноат (курилишни қўшган ҳолда)	566,7	694,0	113,1
Саноат	440,2	533,5	112,8
курилиш	126,5	160,5	114,3
Хизматлар	1014,8	1196,3	107,6
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	222,0	263,2	108,6
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	235,2	262,5	105,7
бошқа хизматлари	557,6	670,6	108,1

2017 йилнинг январь-март ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):



2017 йилнинг январь-март ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (108,6 %), курилиш (114,3%) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (106,6%) тармоқларидағи ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 49,1 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-мартга нисбатан 1,7 фоизли бандга ошди.

2017 йилнинг январь-март ойларида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 60,1 фоиз (2016 йил январь-мартда 60,9 фоиз)ни ташкил қилди.

Корхоналар ва ташкилотлар
фаолиятининг умумий
таърифи
(фермер ва дехқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йил 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 28444 тани ташкил қилиб, шундан 27062 таси ёки 95,1 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 7950 та (27,9 фоизи), саноат 5446 та (19,1 фоизи), қурилиш 2447 та (8,6 фоизи), қишлоқ ва ўрмон хўжалиги 2246 та (7,9 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1360 та (4,8 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2017 йил 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
Жами	28444	100,0	27062	100,0
шу жумладан:				
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2246	7,9	2099	7,8
Саноат	5446	19,1	5128	18,9
Қурилиш	2447	8,6	2327	8,6
Савдо	7950	27,9	7449	27,5
Ташиб ва сақлаш	934	3,3	900	3,3
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1360	4,8	1298	4,8
Ахборот ва алоқа	612	2,2	580	2,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	784	2,8	772	2,9
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	6665	23,4	6509	24,1

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 88,5 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 57,4 фоизи масъулияти жекланган, акциядорлик ва бошка турдаги хужалик жамиятлар, 34,7 фоизи хусусий корхоналар, 0,6 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 7,3 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қўйидагича тақсимланади:

**2017 йил 1 апрель ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз хисобида**




2017 йилнинг январь-март ойларида жами 923 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 887 та). Уларнинг асосий кисми Андижон шаҳрида (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 28,4 фоизи), Асака (11,5 фоизи), Шаҳрихон (8,0 фоизи), Андижон (5,9 фоизи), Балиқчи (7,0 фоизи), Олтинкул (6,2 фоизи) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 28,2 фоизи савдо, 27,5 фоизи саноат, 10,9 фоизи кишлек хужалиги ва 7,4 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Хисобот даврида 247 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 17 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 6,9 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2017 йилнинг январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қўйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2017 йил 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 23760 тани ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-март ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 49,1 фоизи (2016 йил январь-мартда 47,4 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-март ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:


- 1078,3 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлғанларнинг 83,9 фоизи), шу жумладан банд бўлғанларнинг 701,7 минг нафари якка тартиbdаги тадбиркор, 182,5 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди.
- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1230,5 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 51,4 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 99,4 фоизни ташкил қилди;
- 263,5 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 107,8 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 99,0 фоизи) ташкил қилди.
- 239,3 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестиациялар ҳажмининг 71,2 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 146,1 фоизни ташкил қилди;
- 345,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 96,4 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 116,8 фоизга кўпайди;
- автомобил транспорти юк айланмасининг 113,0 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 89,4 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 115,1 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 88,5 фоизи) кўпайиши таъминланди;
- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 94,2 фоизи ёки 1642,9 млрд. сўмни 2016 йилнинг январь-мартга нисбатан ўсиш 112,2 фоизни ташкил қилди;
- 38,2 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 58,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 35,4 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 17,2 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2017 йилнинг январь-март ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуидагича ифодаланади:

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	263,5	99,0
Саноат	1230,5	97,9
Курилиш	345,5	96,4
Чакана савдо	1642,9	94,2
Юк ташиш, млн тн.	7,6	87,4
Йўловчи ташиш, млн.киши	83,9	92,8
Экспорт, млн. АҚШ долл.	38,2	58,6
Импорт, млн. АҚШ долл.	35,4	17,2

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




Ташқи иқтисодий алоқалар

2017 йилнинг январь-март ойлари давомида ташқи савдо айланмаси 271,2 млн. АҚШ долларини, жумладан 65,1 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари, 206,1 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг сальдоси -141 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-март ойларида МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси қуидагича ифодаланади:

	(млн АҚШ доллари)		
	январь-март		2016 йил январь-маргга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 й.	2017 й.	
Ташқи савдо айланмаси	237,1	271,2	114,4
шу жумладан:			
МДҲ давлатлари	47,8	76,7	160,5
бошқа давлатлар	189,3	194,5	102,7
Экспорт	42,8	65,1	152,0
шу жумладан:			
МДҲ давлатлари	25,2	43,9	174,2
бошқа давлатлар	17,6	21,2	120,4
Импорт	194,3	206,1	106,0
шу жумладан:			
МДҲ давлатлари	22,6	32,8	145,3
бошқа давлатлар	171,7	173,3	100,9

2017 йилнинг январь-март ойларида вилоят ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши қуидагича ифодаланади:




2017 йилнинг январь-март ойларида вилоят экспорт-импорти таркиби қуидагича ифодаланади:

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида 2016 йил январь-марта нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил январь-март	2017 йил январь- март	
Экспорт таркиби	100,0	100,0	152,0
пахта толаси	-	-	-
озик-овқат маҳсулотлари	10,2	3,7	55,6
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	0,5	0,8	237,1
қора ва рангли металлар	0,9	0,3	51,5
машина ва ускуналар	27,5	35,6	197,1
хизматлар	1,7	1,2	107,1
Бошқалар	59,2	58,3	149,6
Импорт таркиби	100,0	100,0	106,0
озик-овқат маҳсулотлари	0,6	3,2	569,3
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	8,2	12,1	156,9
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	0,4	0,5	130,7
қора ва рангли металлар	5,8	7,4	135,7
машина ва ускуналар	77,4	61,3	84,0
хизматлар	3,5	9,0	272,6
бошқалар	4,1	6,5	166,7


Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз хисобида

2016 йил январь-март



2017 йил январь-март



■ Европа

■ Осиё


■ Африка

■ Америка

2017 йилнинг январь-март ойлари давомида вилоят ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

	Вилоят товар айланмасида улуси, фоиз хисобида	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз хисобида
Россия Федерацияси	16	219,3
Туркия	2,5	81,4
Қирғизстон	4	122,6
Хитой	10,2	101,5
Қозоғистон	6,3	107,7
Корея Республикаси	54,4	104,8

2017 йилнинг январь-март ойларида МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташки савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:



Саноат

2017 йилнинг январь-март ойлари давомида саноат маҳсулоти ҳажми 2395,5 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 114,8 фоизни ташкил этди. “Автосаноат” АК тизимидағи хўжалик юритувчи субъектлардан ташқари маҳсулот ҳажми 1653,0 млрд сўм ташкил қилиб, ўсиш суръати 112,5 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 1614,1 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2016 йил январь-март ойларига нисбатан 107,4 фоизни ташкил этди. Жумладан, 492,5 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва ароқ-вино маҳсулотлари ҳамда 1121,6 млрд. сўмлик ноозик-овқат моллари (2016 йил январь-март ойларига нисбатан мос равишда 111,3 фоиз ва 105,7 фоиз) ишлаб чиқарилди. “Автосаноат” АК тизимидағи хўжалик юритувчи субъектларидан ташқари 1088,0 млрд сўм ёки ўсиш суръати 110,3 фоизни ташкил этди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида хўжалик субъектлари томонидан 2017 йилнинг январь-март ойларида 246,4 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:


	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз хисобида
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари		
бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб	2395,5	114,8
чиқариш ҳажми		
I.Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни	32,6	105,4
ишлиш		
шу жумладан:		
Нефть- газ қазиб олиш	15,2	103,0
II.Қайта ишлиш саноати	2278,4	114,9
шу жумладан:		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар		
тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	530,0	109,7
Пахтани қайта ишлиш, тўқимачилик		
маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга		
тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	338,3	115,4
Ёғоч ва пўқак буюмлар, похол ва тўқиши учун		
материаллардан буюмлари, қофоз ва қофоз		
маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	58,8	109,5

Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	2,0	107,6
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	67,4	117,2
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	43,1	109,7
Металлургия саноати	1,2	73,3
Электрон ва оптика, электр товарлар ишлаб чиқариш	67,2	115,3
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	772,9	120,3
Бошқар турдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш	397,5	112,4
III. Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	79,5	117,2
IV. Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йигиш ва утилизация қилиш	4,9	100,8
Истельмол товарларини ишлаб чиқариш	1614,1	107,4
шу жумладан:		
озик-овқат товарлари	492,5	111,3
ноозик-овқат товарлари	1121,6	105,7


Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қўйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз хисобида

2016 йил январь-март



2017 йил январь-март



- Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- Қайта ишла саноати
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти
турларини ишлаб чиқариш**
(йирик корхоналар бўйича)

	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь-март	2016 й январь-мартга нисбатан %
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш			
Нефть	минг.тн	21,7	101,1
Газ	млн.м ³	4,3	185,2
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноат			
Енгил автомобиллар минг.дона	21,4 139,5		
Глушителлар	тонна	2906	7,7 м
Автомобил учун ўриндиқлар	минг комплект	156,4	2,4 м
Енлигил автомобиллар учун магнитофонлар	минг дона	6,6	57,1
Автомобил дисклари	тонна	543	3,3 м
Шасси қисмлар	тонна	322	20,1 м
Кимё саноати			
Лак-бўёқ материаллари тонна	1345,8 132,6		
Автомабил банперлари	минг дона	230,0	2,7 м
Электротехника саноати			
Паст кучланишдаги кабель (тонна)	тонна	2634,0	121,5
Зангламайдиган пўлатдан ясалган тўрлар	тонна	39,7	79,4
Енгил саноат			
Калава ип	тонна	2397	4,1 м
Пахта толаси	тонна	30963	101,3
Пахта момифи	тонна	1882	103,4
Хўжалик совуни	тонна	1242	94,9
Спорт коптоклари	минг дона	400	6,2
Озиқ-овқат саноати			
Ун	тонна	31049	107,8
Нон ва нон маҳсулотлари	тонна	149	103,4
Пахта ёғи	тонна	5803	113,5
Макарон маҳсулотлари	тонна	169	165,2
Ароқ	минг литр	722	87,5
Истеммол спирти	минг литр	3728	100,1
Узум виноси	минг литр	333	126,1

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2017 йилнинг январь-март ойлари давомида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги томонидан ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 266,1 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 106,6 фоизни, шу жумладан, Дехқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 262,5 млрд. сўмни (106,6 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 0,8 млрд. сўмни (101,1 фоиз), Балиқчилик хўжаликларида 2,8 млрд. сўмни (107,3 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қўйидагича ифодаланади:

Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ҳосил йиғими. 2017 йилнинг январь-март ойлари давомида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 3,5 минг тонна сабзавот (115,8 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик. 2017 йил 1 апрель ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 104,4 фоизга (жами 1026,5 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,1 фоизга (337,5 минг бош), кўй ва эчкилар 104,3 фоизга (1291,4 минг бош), отлар 100,4 фоизни (6450 бош), паррандалар 106,9 фоизга (6710 минг. бошга) кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан дехқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,0 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 98,9 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 81,0 фоизни ташкил этди.

2017 йил 1 апрель ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони қўйидагича:

	минг бош	ўсиш суръати, %
Йирик шохли корамол	1026,5	104,4
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	39,8	101,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	979,3	104,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	7,4	98,7
улардан сигирлар	337,5	100,1
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	14,8	101,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	320,0	100,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,7	96,4
Куй ва эчкилар	1291,4	104,3
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	50,8	102,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1234,9	104,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	5,7	105,6
Отлар (бош)	6450	100,4
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	911	100,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	5435	100,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	104	100,0
Паррандалар	6710	106,9
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	730	131,3
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	5235	102,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	745	119,6

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли корамолларнинг улуши 95,4 фоизни, фермер хўжаликларида эса 3,9 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 94,8 ва 4,4 фоизни, қўй ва эчкилар 95,6 ва 3,9 фоизни, отлар 84,3 ва 14,1 фоизни, паррандалар 78,0 ва 10,9 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг январь-март ойлари давомида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 36,9 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 104,1 фоизга кўп), 93,7 минг тонна сут (106,7 фоизга кўп), 45 млн. дона тухум ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қуйидагича:

	миқдори	ўсиш суръати, %
--	---------	--------------------

Гўшт (тирик вазнда), минг тн. **36,9** **104,1**

шу жумладан:

Фермер хўжаликлари	0,9	107,0
--------------------	-----	-------

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	35,7	104,0
---	------	-------

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,3	106,3
--	-----	-------

Сут, минг тн. **93,7** **106,7**

шу жумладан:

Фермер хўжаликлари	4,6	108,4
--------------------	-----	-------

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	88,1	106,7
---	------	-------

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,0	102,4
--	-----	-------

Тухум, млн. дона **45,0** **105,9**

шу жумладан:

Фермер хўжаликлари	9,1	104,1
--------------------	-----	-------

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	27,4	105,8
---	------	-------

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	8,5	108,2
--	-----	-------

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қўйидагича ифодаланади:
ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



Фермер хўжаликлари. 2017 йилнинг январь-март ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 18,1 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 110,4 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 6,8 фоизни ташкил этди.

2017 йил 1 апрель ҳолатига фермер хўжаликларида 39,8 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 14,8 минг бош сигир, 50,8 минг бош қўй ва эчкилар, 911 бош от, 730 минг бош паррандалар мавжуд.

2017 йилнинг январь-март ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қўйидагича ифодаланади:

	январь-март				2016 январь-март нисбатан фоиз ҳисобида	
	2016 йил		2017 йил			
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз		
Сабзавот	385	12,8	441	12,6	114,5	
Гўшт, тирик вазнда	858	2,4	918	2,5	107,0	
Сут	4256	4,8	4612	4,9	108,4	
Тухум, минг дона	8696	20,5	9056	20,1	104,1	

Инвестициялар ва қурилиш

2017 йилнинг январь-март ойлари давомида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 335,9 млрд. сўм микдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 115,2 фоизга бажарилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қўйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	якунга нисбатан фоиз
--	----------	-----------------	----------------------

Асосий капиталга киритилган инвестициялар	335,9	115,2	100
шу жумладан			
Марказлашган инвестициялар:	16,1	31,9	4,8
бюджет маблағлари	9,7	71,4	2,9
давлат мақсадли фонд маблағлари	4,8	16,8	1,4
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	-	-	-
болалар спортини ривожлантириш	-	-	-
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	1,6	132,7	0,5
Марказлашмаган инвестициялар	319,9	132,6	95,2
корхоналарнинг ўз маблағлари	98,2	124,6	29,2
аҳоли маблағлари	162,5	154,0	48,4
хорижий инвестиция ва кредитлар	17,1	36,4	5,1
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	42,1	426,8	12,5

2017 йилнинг январь-март ойларида асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қўйида келтирилган:

	жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	335,9	21,7	314,2
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўрининишида			
қурилиш-монтаж ишлари	60,6	55,6	60,9
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	35,8	39,7	35,5
Бошқа ҳаражатлар	3,6	4,7	3,6

Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ижтимоий соҳа обьектларини қуриш

2017 йилнинг январь-март ойларида умумий майдони 158,5 минг кв.м. бўлган 1567 та (2016 йил январь-маргта нисбатан 129,8 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 112,8 минг кв.м. (104,3 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-хунар колледжлари, академик лицейлар, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-хунар колледжларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоатлари қурилишида 701,4 млн. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди.

Соғлиқни сақлаш обьектларини қуриш ва реконструкция ишларида 12,0 млн. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 13,2 км узунлиқдаги ичимлик суви, 5,9 км узунлиқдаги газ тармоқлари ишга туширилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари хисобига 42,2 млн. сўм, миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.


Қурилиш фаолияти. 2017 йилнинг январь-март ойлари давомида 358,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 114,3 фоизга бажарилди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 80,2 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 4,6 фоизи фуқаролик қурилиши обьектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 15,2 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 74,1 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 345,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 96,3 фоизни (2016 йил январь-маргтга нисбатан ўсиш суръати 115,2 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қўйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Транспорт

Юк ташиш. 2017 йилнинг январь-март ойлари давомида барча транспорт турлари томонидан 8,6 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109,6 фоизга кўп.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 405,6 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 107,4 фоизга тенг бўлди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қўйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-март	2016 йил январь-март нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	8,6	109,6
шу жумладан:		
автомобил транспортида	8,6	109,6
Юк айланмаси, млн. тн-км	405,6	107,4
шу жумладан:		
автомобил транспортида	405,6	107,4

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2017 йил январь-март нисбатан 107,1 фоизга кўпайди ва 351,5 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 86,7 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-мартда 86,9 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2017 йил январь-март ойлари давомида барча транспорт турлари томонидан 90,5 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,6 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 101,0 фоизга кўпайиб, 880,9 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қўйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-март	2016 йил январь-марта нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	90,5	101,6
шу жумладан, автомобил транспортида	90,5	101,6
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	880,9	101,0
шу жумладан, автомобил транспортида	880,9	101,0

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-марта нисбатан 107,7 фоизга кўпайди ва 693,4 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 78,7 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-март 73,9 фоиз).

Истеъмол бозори

2017 йилнинг январь-март ойлари давомида вилоятда чакана товар айланмаси 1744,6 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 111,5 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қўйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-марта нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
--	-----------	---	-------------------------------------

Жами	1744,6	111,5	100
шу жумладан			
мулкчилик шакллари			
бўйича:			
давлат мулки	0,5	109,2	0,03
нодавлат мулки	1744,1	112,6	99,97
ундан фуқароларнинг	1723	113,5	98,76
хусусий мулки			

Йирик савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-март ойлари давомида 101,7 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,0 ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми 2017 йилнинг январь-март ойларида 1428,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,0 фоизга ошган.

2017 йилнинг январь-март ойларида чакана савдо айланмаси таркиби қўйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-марта нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
--	-----------	--	-------------------------------------

Чакана товар айланмаси	1744,6	111,5	100
шу жумладан:			
Йирик савдо корхоналари	101,7	101,0	5,8
Кичик тадбиркорлик	1428,7	114,0	81,9
уюшмаган сектор(ташкил этилмаган савдо фаолияти)	214,2	101,7	12,3

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 23,4 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-маргта нисбатан 112,8 фоизга ўсади.

Чакана савдо (умумий овқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 112,7 фозга ошди ва 588,0 минг сўмни ташкил этди (2016 йил январь- март ойларида 489,3 минг сўмни ташкил этган).

2017 йилнинг январь-март ойлари давомида **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 1337,9 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 390,5 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 29,2 фоизини ташкил қилди. 2016 йил январь-маргта нисбатан ўсиш 113,0 фоизни ташкил этди.


Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йилнинг январь-март ойлари қўйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-март нисбатан фоиз хисобида	якунга нисбатан фоиз хисобида
Жами хизматлар	1337,9	113,0	100,0
Шу жумладан хизмат турлари бўйича:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	90,8	107,3	6,8
молиявий хизматлар	168,6	134,2	12,6
транспорт хизмати	254,6	111,6	19,0
шу жумладан автотранспорт хизматлари	246,8	112,2	18,4
яшаш ва овқатланиш хизматлари	17,0	108,8	1,3
савдо хизматлари	472,6	108,7	35,3
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	46,4	112,1	3,5
таълим соҳасидаги хизматлар	71,3	112,2	5,3
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	16,8	112,3	1,3
ижара ва прокат хизматлари	36,7	113,3	2,7
компьютерларни ва майший товарларни таъмирлаш хизматлари	45,6	110,4	3,4
бошқа шахсий хизматлар	79,0	112,8	5,9
меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	6,3	114,2	0,5
бошқа турдаги хизматлар	31,9	114,1	2,4

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо (жами хизматларнинг 35,3 фоизи), транспорт (19,0 фоизи) хизматларига түғри келди.

Шунингдек, молиявий хизматлар (134,2 фоиз), транспорт хизматлари (111,6 фоиз), соғлиқни саклаш (112,3 фоиз) ва бошқа турдаги хизматларида (114,1 фоиз) ўсиш суръати юқори бўлди.

2017 йилнинг январь-март ойлари давомида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари қуидагича:



Демография ва мехнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий ахоли сони 2971,4 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 8,9 минг кишига ёки 0,3 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-март ойлари қуидагича ифодаланади:

	Киши			Ҳар 1000 кишига	
	2016й.	2017й. ¹⁾	ўсиш, камайиш (-)	2016й.	2017й. ¹⁾
Туғилганлар	13519	13504	-15	18,7	18,5
Ўлганлар	3656	4153	497	5,0	5,7
шу жумладан бир ёшгача болалар 1000 туғилган болаларга нисбатан	225	233	8	14,0	13,9
Табиий ўсиш	9863	9351	-512	13,6	12,8
Никоҳлар	3784	3899	115	5,2	5,3
Ажралишлар	751	784	33	1,0	1,1

Туғилиш даражаси. 2017 йилнинг январь-март ойларида туғилганлар сони 13504 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (13519 киши) нисбатан 15 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равища 18,5 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (18,7 промилле) нисбатан 0,2 промиллека камайди.

Туғилиш даражасининг нисбатан кўпроқ камайиши вилоятнинг Кўргонтепа (18,4 дан 15,4 промиллека), Асака (20,8 дан 18,8 промиллека), Жалақудук (17,5 дан 16,1 промиллека), Андижон (20,6 дан 19,6 промиллека), Избоскан (21,3 дан 20,5 промиллека) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-март ойларида ўлганлар сони 4153 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига 3656 киши) нисбатан 497 тага кўпайди. Мос равища ўлим коэффициенти 5,7 промиллени ташкил килди (2016 йил январь-мартда 5,0 промилле).

¹⁾ дастлабки маълумот

Ўлим кўрсаткичининг 2016 йил январь-март даврига нисбатан кўпайиши мазкур даврда Хонобод шаҳри (3,0 дан 4,6 промиллега), Шахрихон (3,8 дан 5,2 промиллега), Пахтаобод (4,1 дан 5,3 промиллега), Қўргонтепа (4,4 дан 5,4 промиллега) туманларида кузатилди, ўлим даражасининг камайиши вилоятнинг Марҳамат (6,1 дан 5,3 промиллега) туманида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан қон айланиш системаси касалликларидан 2737 та (65,9 фоизи), баҳтсиз ҳодисалардан: 154 та (3,7 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан: 220 та (5,3 фоизи), ҳазм қилиш органлари касалликларидан 203 та (4,9 фоизи), ўсмалардан 292 та (7,0 фоизи) ва юқумли касалликлардан 51 та (1,2 фоизи) бошқа касалликлардан: 496 та (12,0 фоизи) вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-март ойларида бир ёшга тўлмаган 233 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 13,9 промиллени ташкил қилди (2016 йилнинг январь-мартда 14,0 промилле).


Жами бир ёшга тўлмай ўлган болалардан: перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан 130 та (55,8 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 56 та (24,0 фоизи), туғма аномалия ва ривожланишдаги нуқсонлардан 26 та (11,2 фоизи), қолган касалликлардан 21 та (9,0 фоизи) вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-март ойлари давомида ФХДЁ органларида 3899 та никоҳлар ва 784 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 5,3 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида 5,2 та) ва 1,1 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида 1,0 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 1931 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 2408 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиги минус 477 кишига (2016 йилнинг шу даврида минус 372 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Андижон шаҳар (минус 263), Шахрихон (минус 139), Хўжаобод (минус 103) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-март ойлари қўйидагича ифодаланади:



Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-мартга нисбатан 0,7 фоизга кўпайиб, 1715,6 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,8 фоизини ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-март ойлари давомида бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 5618 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Жалақудук (683 киши) тумани, Андижон шаҳар (637 киши), Кўргонтепа (525 киши), Олтинкўл (468 киши), Хўжаобод (438 киши) ва Марҳамат (405 киши) туманларида бошқаларига нисбатан кўп.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 4812 нафари ёки 85,7% ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Андижон шаҳри (653 киши, 102,5%), Олтинкўл (469 киши, 100,2%), Бўз (240 киши, 96,8%), Кўргонтепа (508 киши, 96,8%), Улуғнор (97 киши, 95,1%) ва Жалақудук (632 киши, 92,5%) туманларида юкори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 289 нафари ишсизлик мақомини олган.

Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қўйидагича ифодаланади:

